

# Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!



# Ishonch

2016-yil  
1-sentabr,  
payshanba

№ 106  
(3767)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриги

Азиз ватандошлар!  
Мамлакатимизнинг кўп асрлик тарихида муқаддас элликлар, эл-юртимизни мустақил тузум кишанларидан озод қилиб, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлини очиб берган Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан барчангизни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриқлайман.

Қадри дўстлар!  
Барчамизга аёнки, мустақиллик ҳеч қайси халқ, ҳеч қайси миллат тарихида осонлик билан қўлга киритилган эмас. Бу ҳақиқатни чуқур англайдиган халқимиз шу курашда фидойилик кўрсатган, қурбон бўлган ота-боболаримизнинг хотирасини қалбидан абади сақлайди.

Айни шу кунларда ўзини оқламаган эски тузумдан янги тизимга ўтиш даврини эслар эканмиз, бошимиздан кечирган машаққатли кунлар ва оғир синовлар беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтади.

Айниқса, собиқ тузум асоратлари туфайли республикамизда аҳвол нақадар хатарли тус олганини, аввало, табиинот масаласи бўлган ишдан чиқиб, халқимизни боқиб учун бор-йўғи бир ҳафта-ун кунга етадиган ун захираси қолгани, тартиб-интизом баҳариш, турли кўпоруғи ва галамиз кучлар бош кўтариб, юртимиз деярли жар ёқасига келиб қолгани мисолида тасаввур қилиш тийин эмас.

Ана шундай ўта таҳликали вазиятда ҳам биз ўз танлаган йўлимиздан — мустақиллик йўлидан қайтмадик. Чунки биз яхши тушунардиқ — ҳаёт-мамотимиз ҳал бўлаётган айни шундай давларда қийинчилик ва тўсиқлар олдида бўш келиш — бу ҳозирги ва келажак авлодлар олдида хиёнат қилиш билан баробар бўлур эди.

Айни шу пайтларда халқимиз ўзининг қатъияти ва матонатини амалда намойиш этиб, Ўзбекистонимизнинг ёруғ ва буюк келажакига ишончини йўқотгани йўқ ва иншоолло, ҳеч қачон йўқотмайди.

Ҳақиқатан ҳам, мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ, аҳолимиз қандай оғир ва хавф-хатарли бўлмасин, ҳар қадамда пайдо бўлаётган тўсиқ ва говларни, турли муаммоларни ечиш билан банд бўлишдан қатъи назар, мамлакатимизнинг бугунги кунини ва истиқболига жавоб берадиган, чуқур ўйланган стратегиямиз устида ишимизни тўхтатганимиз йўқ.

Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларга эришишда — эркин, демократик давлат қуриш, бозор иқтисодиётига ўтиш, фуқаролик жамиятини барпо этишда, мамлакатимизни тараққиёт тоғдан давлатлар қаторига кўтариш йўлида шошма-шошарлик ва пала-партиш ишларга йўл қўймадик, жаҳондаги илғор тажрибаларни ўрганиб, лекин қимдан қўр-қўрона нуса олганимиз йўқ. Бу бордада чуқур маънога эга бўлган «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган ғоя асосида эл-юртимизга хос хусусиятлар, шарт-шароитларга мос

бўлган, халқаро майдонда «ўзбек модели» деб тан олинган, узоқни қўзлаган йўлни ўзимизга маъқул топдик ва уни амалга оширишга киришдик.

Биз танлаган йўл — машҳур беш принципга асосланган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканини оғир синовлардан ўтиб, мамлакатимиз ривожини мустақам замин бўлиб қолганини ҳаётимизнинг ўзи исботлаб бермоқда. Бунинг тасдиғини мустақилликка эришганимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб энг ўткир ва ҳал қилувчи масала — замон талабига жавоб берадиган янги авлод кадрларини тайёрлаш вазифаси мисолида аққол кузатиш мумкин.

Агарки биз 19 йил олдин эски қолип ва асоратлардан воз кечиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш умумий миллий дастурини қабул қилиб, таълим-тарбия тизimini тубдан ўзгартирмасак, бунинг учун давлатимиз ва бутун жамоатчилигимизнинг куч ва имкониятларини сафарбар этмасак, бугунги аҳолимиз қай даражада бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ҳеч иккиланмасдан айтишга барча асосларимиз бор — ҳозирги кунда лицей ва коллежларни, олий ўқув юрталарини битириб чиқаётган, ҳаётга янги қарайдиган минг-миглаб ёшларимиз биз учун, келажакимиз учун шундек таянч бўлиб, мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислохотларнинг ташаббускори ва ижросини бўлиб майдонга чиқмоқда.

Ватанимизнинг келажак ва тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган бундай янги авлоднинг тарбиялашга қаратилган дастурларни ўз вақтида қабул қилганимиз ва давлат сиёсати даражасига кўтарганимиз янги жамият қуришимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи рол ўйнамоқда.

Тарихан қисқа даврда Ўзбекистон илгариги ўзини боқиб, ўзини ҳимоя қилишга қурби етмаган, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта якка-хоқимлиги ҳалокатли тус олиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ғоят ачинарли аҳволга тушиб қолган қолоқ республикадан бугунги кунда тез ва барқарор суръатлар билан тараққиёт этиб бораётган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаган, қудратли давлатга айланиб бормоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарий 6 баробар ўсди, унинг таркибида саноатнинг улуши 14 фоиздан 34 фоизга етди, жаҳон миқёсидаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарама-қарши янги ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охириги 11 йил давомида қандам-кам давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда. Айтиш керак, 2016 йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича ҳисоб-китоблар шунини кўрсатмоқдаки, жорий йилда ҳам ўсиш суръатларимиз бундан паст бўлмайди.

Энг муҳими, ўтган давр мобайнида одамларимизнинг саломатлиги мустақ-

камланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида 76 ёшга узайгани, аҳолимизнинг сони 2016 йилнинг охиригача 32 миллиондан ошиб кетиши, яъни мустақиллик йилларида халқимиз 12 миллионга кўпайгани бизнинг қандай қатта юксалиш йўлини босиб ўтганимизни, эл-юртимизнинг ҳаёт сифати ва фаровонлиги ўсиб бораётганини аққол тасдиқлайди.

Буларнинг барчаси аввало мард ва матонатли халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати эвазига амалга оширилмоқда ва мамлакатимиз ўзининг барқарор ривожланиш суръатлари билан халқаро жамоатчилиқни ҳайратда қолдирмоқда.

Мухтарам юртдошлар!  
Барчамиз яхши тушунамиз — биз эришаётган улкан марра ва натижалар қўзлаган мақсадларимизнинг фақат маълум бир қисмини ташкил этади.

Ҳозирги вақтда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган давр, дунё бозорларида ноаниқлик, беқарорлик ва инқироз давом этаётгани, рақобат кучайиб, шифатсиз тус олаётгани, хомашё нархининг пасайиб бораётгани — бундай ҳолатлар барчамиздан, аввало, раҳбарлик ва етакчи лавозимларда ўтирган шахслардан эски қараш ва ёндашувлардан, иш услубларидан бутунлай воз кечиб, янги фикрлашни, ишни ташкил қилиш ва бошқаруш тизimini замон талаблари даражасига кўтаришни тақозо этмоқда.

Энг аввало, мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация қилиш, унинг рақобатдошлигини ошириш йўлида бошлаган ислохотларимизни давом эттириш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва унда давлат иштирокини камайитириш, хусусий мулкнинг улушини кенгайтириш ва унинг устуворлигини таъминлаш вазифалари ҳал қилувчи ўрин тутиши зарур. Шулар қаторида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес самарасини ошириш, хорижий инвестициялар ҳажмини кўпайитириш, замонавий, юқори технологияларни жорий этиш мақсадида мамлакатимизда яратилган имтиёزلарни янада кенгайтириш вазифалари доимо эътиборимиз марказида туриши даркор.

Бугунги кунда яқин ва узоқ атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб, турли можаро ва қон тўкишлар давом этаётгани, терроризм, экстремизм ва наркотрафик хавфи тобора кескинлашиб бораётгани ҳар биримизни ташвишга солмасдан қўймайди ва барчамиздан ҳамisha хушёр ва огоҳ бўлиб яшашни талаб этади.

Вужудга келётган мана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонимизнинг хавфсизлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, турли балоқазоларни оstonамизга йўлатмаслик, юртимизда ҳукм суратган миллатлар ва фуқароларо ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачигидек сақлаш, «Бизга тинчлик

ва омонлик керак» деган эзгу давлатни барчамизнинг бурчимиз ва устувор вазифамиз сифатида амалга оширишимиз зарур.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари сифатида биз бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва пайдо бўлаётган қарама-қаршилик ва зиддиятларни тинч, сиёсий келишувлар йўли билан ечиш тарафдоримиз.

Турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаслик, юртимиз худудида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига ва ҳарбий-ларимизнинг чегараларимиздан ташқарида худудларда бўлишига йўл қўймаслиқни ўзимиз учун маъқул, деб биламиз.

Биз мустақиллик йилларида яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат, ўзаро манфаатларни тан олиш асосида олиб бораётган алоқаларимизни, аввало ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини мустақамлашга ҳаракат қилиб келганимиз ва айни шундай сиёсатни давом эттиришга тайёрмиз.

Азиз ватандошлар!

Шу кунларда бутун халқимиз Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза медалини қўлга киритиб, буюк галабага эришган спортчи ёшларимизни қизгин қутламоқда. Дунёдаги 206 та мамлакатдан келган манаман деган спортчилар билан бўлган кескин беллашувларда ўғлонларимизнинг кўрсатган мардлиги ва фидойилиги, маҳорати ва матонатини, ана Ватанимизга муҳаббати минг-миглаб ёшларимиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлди, деб гурур ва ифтихор билан баралла айтишга барчамиз ҳақимиз.

Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, Ўзбекистон ёшларининг дунёда ҳеч қандам кам эмаслигини бутун жаҳонга намойиш этган моҳир спортчиларимизга, уларнинг ота-оналари, устоз-мураббийларига, миллий олимпия терма жамоамизнинг барча аъзоларига чин қалбимдан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сиз, ёшларимизга, менинг азиз фарзандларимга қаратиб айтмоқчиман: бўш келманг, азизларим, давр бизники, марра бизники!

Қадри ва мухтарам ватандошларим!

Сизларни, бутун халқимизни мустақиллик кунини билан яна бир бор табриқлаб, барчангизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, хонадонларингизга, эл-юртимизга файзу барака тилайман.

Барча эзгу ишларимизда Яратганининг ўзи қўлласин, ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо, халқимиз омон бўлсин!  
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## Самимий қутловлар

Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларида самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-омонлик, доимий раванқ ҳамда фаровонлик каби эзгу истаклар изҳор этилган. Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг мактубида шундай дейилади:

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

**Мухтарам Ислом Абдуганиевич!**  
Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг 25 йиллиги билан Сизни самимий муборакбод этаман.

Мамлакатингиз ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, гуманитар ва бошқа соҳаларда салмоқли ютуқларга эришди. Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидagi оғу-эътибори бениҳоя юқоридир. Дўстлик ва ўзаро ҳурматнинг эзгу аънаналарига таянувчи давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида фаол ривожланиб бормоқда. Ишончим комилки, биз ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорликни бундан буён ҳам барча йўналишларда мустақамлаб, долзарб халқаро масалаларни ечишда саъй-ҳаракатларимизни самарали равишда мувофиқлаштириб бораверамиз. Бу Россия ва Ўзбекистон халқларининг тўб манфаатларига жавоб беради, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Мухтарам Ислом Абдуганиевич, Сизга чин қалбдан мустақам соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига бахт-саодат ва раванқ тилайман.

Эҳтиром ила,

**Владимир ПУТИН,**  
Россия Федерацияси Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз табриқларини йўллашган:  
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироличаси — **Елизавета II**  
Япония Императори — **Акихито**  
Бельгияликлар Қироли — **Филипп**  
Франция Республикаси Президенти — **Франсуа Олланд**  
Хиндистон Республикаси Президенти — **Пранаб Мукержи**  
Қозоғистон Республикаси Президенти —

**Нурсултон Назарбоев**  
Молдова Республикаси Президенти — **Николае Тимофти**  
Туркия Республикаси Президенти —

**Режеп Таййип Эрдоғон**  
Туркия Республикаси Бош вазири — **Бинали Йилдирим**

Чехия Республикаси Президенти — **Милош Земан**  
Словакия Республикаси Президенти — **Андрей Киска**  
Болгария Республикаси Президенти — **Росен Плевнелиев**  
Малайзия Қироли — **Абдул Халим Муадзам**

**Шоҳ Янг ди-Пертуан Агонг XIV**  
Фаластин Давлати Президенти, Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Қўмитаси Раиси — **Махмуд Аббос**  
Бангладеш Халқ Республикаси Президенти — **Абдул Ҳамид**  
Исроил Давлати Президенти — **Реувен Ривлин**

Сингапур Республикаси Президенти — **Тони Тан Кенг Ям**  
Бирлашган Араб Амириклари Бош вазирининг ўринбосари, Ички ишлар вазири — **Сайф бин Зайд Ол Наҳаён**

Бельгия парламенти Вакиллар палатаси раиси — **Зигфрид Браке**  
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби —

**Рашид Алимов**  
ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори — **Евгений Сисоев**

Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти — **Сирил Мюллер**  
Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) президенти — **Ким Ин Сук**  
Корея Экспорт-импорт банки раиси ва президенти —

**Ли Дук Хун**  
«Самсунг Инжиниринг» президенти ва бош ижрочи директори — **Пак Чунг Хим**  
«ЛУКОЙЛ» компанияси президенти — **Вагит Алекперов**

Хитой миллий нефт-газ корпорацияси директорлар кенгашининг раиси — **Ван Илнь**  
«Поли Текнолоджи» компанияси президенти — **Ван Линь**

«ЗТЕ» корпорацияси президенти — **Чжао Сяньмин**  
«Сумитомо Корпорейшн» Бошқаруви раиси — **Казуо Омори**  
«Марубени Корпорейшн» Бошқаруви раиси — **Теруо Асада**  
«Мицубиси Хитачи Пауэр Системс» Бошқаруви раиси —

**Кожичи Танака**  
«Мицубиси Хэви Индастриз Лтд.» президенти ва катта ижрочи директори — **Шунъичи Миянага**

«Фуҷицу Лимитед» президенти — **Тацуя Танака**  
«Исузу Моторс Лимитед» Бошқаруви раиси ва ваколатли директори — **Сусуми Хосои**  
«ИТОЧУ Корпорейшн» президенти — **Масахиро Окафудзи**

Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси бош директори — **Абдулвахоб ал-Бадир**  
Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили — **Петер Буриан**

Европа Парламенти депутати, Европа Парламентининг Марказий Осиё бўйича делегацияси раиси — **Ивета Григуле**

Инча университети президенти — **доктор Чой Сунжа**  
Нагоя университети президенти — **Сенчи Мацуо**  
Европа менежмент ва технологиялар мактаби президенти — **Йорг Рохолл**

Москва ва Бутун Россия Патриархи — **Кирилл**  
Тошкент ва Ўзбекистон Митрополити, Урта Осиё митрополит округи раҳбари — **Викентий**

Қутловлар келиши давом этмоқда.



## Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйилди

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан 31 август кунини хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу мақсадларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга тантанали равишда гул қўйиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар

номидан ҳарбий оркестр садолари остида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбарлар қўйилди.

Мустақиллик, тинчлик ва тараққиёт. Бу улғу тушунчалар доимо ёнма-ён. Халқимизнинг тарихий ютуғи — Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги кенг нишонланган шун кунларда бу ҳақиқат яна бир бор ўз ифодасини топмоқда.

# Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйилди

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг раҳнамолигида** Мустақиллик майдонида улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, у яхлит меъморий ансамбл, ноёб мажмуа кўринишини олди. Бу ерда олиб борилган бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг нафақат манзарасини, балки мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Бугун Мустақиллик майдонининг кўрку таровати ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Бу ердаги доимо яшнаб турувчи дарахтлар турфа гуллар кўзни қувонтиради. Майин шабададан дарахтлар, ям-яшил майсалар оҳишта тебранди. Кундузлари кўёш нурида, тунлари нурафшон чироқлар шуъласида жиллоланувчи фавворалар майдон ҳавосини мўътадил сақлайди. Бу ерга келган одам ажиб сокинликни, унинг

замирдаги тинчлик ва осойишталикни янада теран ҳис этади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2005 йил 28 декабрда Мустақиллик монументи олдида Бахтиёр она сиймоси акс этган муаззам ҳайкал қад ростлади. Бугунги тинч, осуда ҳаётимиз, порлоқ келажакка бўлган мустақам ишончимиз ифодаланган, фарзандини бағрига босиб, унга термулиб турган Бахтиёр она сиймосида ҳар биримиз ўз онамизни, бегубор болалигимизни, баркамол авлодимизни кўргандек бўламиз. Мазкур мажмуа эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун турадиган фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда аёл зотига бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

— Ҳар гал Мустақиллик майдонига

келганимизда қалбимизда ўзгача туйғулар жўш уради, — дейди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раиси Акмал Жумабоев. — Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор тўғрисида кўп қанча маънавий ва марраларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бугун юртимиздаги ҳар бир ёш қалбида Ватан келажиги учун масъулият, Ватан равнақига муносиб улуш қўшишдек эзгу ният мужжасам.

Ютуқларимиз кўпайгани сари халқимизнинг фаровонлиги, турмуш маданияти ва салоҳияти ҳам юксалиб бораверади. Юксак маънавият ва салоҳиятга эга халқ янги-янги марраларни кўлга киритишга қодир. Мустақиллик йилларида халқимизнинг онгу тафаккури бутунлай ўзгарди. Бугун халқимиз замонавий, юксак даражадаги

шарт-шароитларда ҳаёт кечиришга ўрганди. Буларнинг барчаси истиқлол йилларида олдимизга қўйган улуғ мақсадларга эришяётганимиз, биз ҳеч қимдан кам эмаслигимизнинг амалдаги ифодасидир.

Замонлар ўтади, мамлакатимизда янги-янги авлодлар дунёга келади. Аждодларимизнинг, халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарган, эркин ва обод Ватан барпо этиш йўлида қанот бўлиб, беқиёс имконият ва истиқболларни очиб берган бу кун юртимиз тарихида мангу буюк сана бўлиб қолади.

1 сентябрь куни пойтахтимизнинг барча туманларида байрам тантаналари ўтказилади. Мамлакатимиз вилоятларида байрам тадбирлари, сайиллар давом этади.

ЎзА

## Юртимиз сиҳаттоҳларида



Истиқлол йилларида мамлакатимизда кекса авлод вакилларининг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Бу, аввало, давлат пенсия таъминоти, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш тизими ва бошқа соҳаларда улар учун белгиланган имтиёزلарда ўз аксини топмоқда. Айниқса, Президентимизнинг «1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим ҳужжат бўлди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам мазкур фармон доирасида қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Федерация Кенгаши тизимидаги 15 та санаторийда фахрийлар соғломлаштириляпти. 2016 йилда улар учун ушбу санаторийлардан 372 та жой доимий ажратилди.

## Кексалари эъзозланган юрт

Барча санаторий ва профилакторийларда фахрийлар учун қулайликларга эга бўлган алоҳида бўлимлар ташкил этилди. Сиҳаттоҳга келган фахрийларни тезкор ва навбатсиз қабул қилиш мақсадида малакали шифокор ва ҳамширалардан иборат ишчи гуруҳлар фаолият кўрсатади. Ҳар бир санаторийда қўшимча психолог мутахассис фаолият олиб борапти. Психологик муолажа дарслари йўлга қўйилган.

Санаторийларга ташриф буюрган фахрийлар юртимизда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, Президентимиз раҳнамолигида халқимиз фаровонлиги ва тинчлиги учун яратилган шароитлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан жуда хурсанд эканлигини билдиришмоқда.

— 1942 йилда урушга бориб, даҳшатли жангларда қатнашдим, — дейди жиъзаҳлик Соибназар ота Ғойибназаров. — Мустақиллик йилларида биз каби фахрийларга ҳуқуқимиз томонидан берилмаётган эътибордан бошимиз кўкка етмоқда. Президент фармони асосан «Зомин» санаторийсига бепул йўлланма билан даволанаяман. Шинам, қўлай хоналарга жойлашдик. Бу ерда бизга алоҳида шифокор ва ҳамширалар билриктирилган. Навбатсиз, муаммоларсиз муолажаларни қабул қилаёلمиз. Ошхонада ширин ва мазали парҳез таомлар тортиляпти.

Дарҳақиқат, сиҳаттоҳларда даволаш, парҳез овқатлантириш ва маданий тадбирлар ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, шу асосда иш олиб борилмоқда. Таниқли санаторкорлар иштирокида концертлар, олим ва ижодкорлар билан учрашувлар уюштириляпти.

Яратилган шароитлар ва кўрсатилаётган хизмат сифати даражасини мунтазам ўрганиб бориш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Республика ишчи гуруҳи тизилган. Унинг таркибига Федерация Кенгаши ва Санатор-курортлар бошқармасининг тегишли мутахассислари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ногиронларни жойлаш ва реабилитация қилиш миллий маркази масъул ходимлари киритилган бўлиб, фахрийлар соғломлаштирилиши режалаштирилган 36 та санаторий муассасасига амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

2015 йил давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тизимидаги 15 та санаторийда ҳам 4653 нафар фахрий соғломлаштирилган бўлса, жорий йилнинг шу кунига қадар уларнинг сони 2976 нафарни ташкил этди. Республика бўйича эса шу йилнинг ўтган даврида 36 та санаторийда 7000 нафарга яқин фахрий соғломлаштирилди.

Ўз мухбиримиз

## Менга сўз беринг

# Қалбларда шукроналик

Нормурод РАЖАБОВ, Агроеконом мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

— Биз келажакда буюк давлат қуришни, тараққиётда энг пешқадам мамлакатлар сафида бўлишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Орзу-умидларимизнинг рўёби қисқа фурсатларда ушалаётганига бутун дунё гувоҳ бўлиб турибди. Оддий бир мисол, ялти ички маҳсулотимизнинг ўсиши охириги 11 йил давомида 8 фоиздан кам бўлмадан келаяптир. Бу жаҳондаги санокчи давлатлар қўлга киритаётган натижа, қолаверса, аҳоли турмуш даражаси ва сифати юксалиб бораётганидан далолатдир.



Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар соҳани юқори погоналарга олиб чиқди. Касаба уюшмалари томонидан амалга оширилган тизимли ислохот, фаолиятни тубдан такомиллаштириш борасидаги ташаббуслар боис қишлоқ ҳўжалиги ходимлари мустақам ижтимоий ҳимояга олинди.

Қалжан БЕКМАНОВА, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон бўйича масъул ташкилотчиси:



— Ўзбекистонимизга кенг имкониятлар мамлақати бея таъриф берилаётганида ҳеч бир мулолажа йўқ. Бунинг замирида ишбилармонлик, тадбиркорлик учун мавжуд ҳўқуқий база, бизнес учун қўлай муҳит ва шароитлар асос вазифасини ўтамоқда.

Уларнинг шахсий бизнесларини йўлга қўйиб, мулкдорлар сафидан ўрин олишга интиляётган, пировард натижада Ватан тараққиёти, юрт ободлигини таъминлашни мақсад этиб, ишжосатли меҳнатлари билан ҳисса қўшишга бел боғлаган ҳар бири касаба уюшмаларининг доимий ҳимоясидир.

## Тўйга тўёна

Андижон шаҳрида «Шинам футбол арена» масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилган Ёшлар спорт мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда шаҳар фаоллари, жамоатчилик вакиллари, бунёдкорлар ҳамда спортсавар ёшлар иштирок этди.



## Тадбиркор қурган спорт мажмуаси эртанги куннинг чемпионлари етишиб чиқадиган масканга айланади

Андижон вилояти ҳоқими Шухратбек Абдураҳмонов йиғилганларни мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан қўлаб, рўёбга чиқарилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари, истиқболдаги режалар хусусида тўхталиди. Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида навқирон авлод учун худудларда замонавий мусиқа ва спорт мактаблари, стадионлар, сузиш ҳавзалари бунёд этилаётгани, натижада бундай юксак эътибор учун дадил ва қатъий туриб жавоб берадиган ёшлар сафи кундан-кунга кўпаяётгани алоҳида таъкидланди.

Тадбиркор спортчи Муҳаммадали Пулатов ташаббуси билан барпо этилган мазкур қошона қурилишига қарийб 1,5 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Унинг 300 миллион сўми ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг кредитидир. Замонавий типдаги мажмуа тадбиркорнинг ўз сармояси ҳамда Болалар

фоиздан 57 фоизга, қиз болалар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга ўсди. 2005 йилда ёшлар спортнинг 43 тури билан шугулланган бўлса, бугунги кунда мазкур курсаткич 59 тани ташкил этмоқда. Бу жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш борасида умумдавлат миқёсида кенг қўламли вазифалар адо этилаётганлиги самарасидир.

Тадбиркор спортчи Муҳаммадали Пулатов ташаббуси билан барпо этилган мазкур қошона қурилишига қарийб 1,5 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Унинг 300 миллион сўми ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг кредитидир. Замонавий типдаги мажмуа тадбиркорнинг ўз сармояси ҳамда Болалар

спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан зарур анжомлар билан жиҳозлашиб, ёшлар учун қаратэ, таэквандо, бокс, теннис, баскетбол, мини-футбол, бадминтон сингари 11 та спорт тури билан шугулланиш имконияти яратилди. Шу билан бирга, 15 та янги иш ўрни вужудга келди.

Тадбирда сўз олганлар хайрли ишга бош қўшган барча ташкилотлар жамоаларига, фидойи қурувчиларга ташаккур изҳор этиб, Ёшлар спорт мажмуаси эртанги куннинг чемпионлари етишиб чиқадиган масканга айланишига умид билдирди.

Нурилло НЎМОНОВ, «Ishonch» мухбири, Рустамжон ЭШОНОВ олган сурат

## Ўзбекистон қаҳрамонлари

# Истиқлол ўзбек деҳқонининг тақдирини бутунлай ўзгартирди

дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Шарипбой Ражабов



Инсон кўп мўъжизаларга қодир. Имкон берилса, саҳрони бог-у бўстонга айлантиради. Тоғ бағридан йўллар очади. Тўқайни чаманзор қилади. Буни биз истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорликлар, оламшумул янгиланишлар мисолида кўриб турибмиз.

Богот туманидаги «Богот» фермер ҳўжалиги раҳбари Шарипбой Ражабов мустақиллик ато қилган имкониятлардан самарали фойдаланиб келаяётган юртдошларимиздан. Фермер ҳўжалигининг дала шийпонига қадам ранжида қўлсангиз, мисли жаннат нафасини ҳис қиласиз — атрофи тол ва гуллар билан ўралган, анвойи гуллар ҳиди уфуриб турган ховуз бўйидаги ёғоч сўрида тин олиб юртимизнинг нақадар гўзал ва бетакрорлигига тан берасиз. Бу жой бир пайтлар тўқайзор бўлганлигига ишонгингиз келмайди.

Аммо ҳақиқатга тан бермай илож йўқ. Шарипбой ака ва унинг яқинлари, ҳамқишлоқлари қаровсиз бу худудни воҳанинг энг сўлим гўшаларидан бирига айлантиришди. Йўл бўйларига тераклар, гужумлар экишди. Бог барпо этиб, гулзор бунёд этишди.

— Истиқлол ўзбек деҳқонининг тақдирини бутунлай ўзгартириб юборди, — дейди Шарипбой Ражабов. — Менинг ота-онам ҳам деҳқон бўлишган. Бироқ улар деҳқончилик деганда фақат қора меҳнатни тушунишган, дастурхонлари бутун бўлмаган. Бугун эса деҳқон қишлоқнинг бош ислохотчиси, мулк эгаси, мамлакатнинг таянчи саналади. Бунинг учун ҳар қанча шукрона келтирсак, кам.

Шарипбой ака қалдирғоч фермерлардан. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини ўз вақтида англай билган устози, Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф Қувқоқовнинг маслаҳати ва кўмагига таяниб мулкдор бўлди.

— Фермер ҳўжалиқларининг ташкил қилиниши, ернинг ўз эгасига берилиши бу ўзбек деҳқонига бўлган улкан ишонч эди, — дейди Шарипбой ака. — Биз бу ишончни оқлаш учун бор билми ва маҳоратимизни, салоҳиятимизни ишга солидик.

Сўяги далада қотган, 44 йилдан буён ер билан тиллашиб келаятган деҳқон кейинги йилгирма йилда меҳнатининг роҳатини кўриб келмоқда. Агротехника қондаларига риоя қилиш, тинимсиз изланиш эвазига ҳосил хирмонларининг йилдан-йилга баланд бўлишига эришмоқда.

Фермер тажрибаларини шундай ўртоқлашади: — Йилга 3-4 мартаба тупроқнинг шўрини ювамиз. Айниқса, кейинги 3 йилда 35 километр зовур тозаланиб, ернинг захлаши олди олинганни ўз самарасини берди. Фермер ҳўжалигимиз

ер майдонининг ўртача 56 балл баннитетдан 59 балл баннитетга кўтарилишига эришилди. Бунда маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланилаётганлиги ҳам кўл келди.

Фермер сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, сув танқислигининг олдини олиш мақсадида экин майдонларини суғориш жадвалини ишлаб чиқди. Худуддаги 17 километр узунликдаги ички суғориш тармоқларининг қафолатли ишлашини таъминлаш чоралари қўрилганлиги натижа-сида белгиланган сув ҳажмининг 26 фоизи иқтисод қилинишига эришилди.

Зовур сувларидан сув насослари ёрдамида самарали фойдаланиш йўлга қўйилганлиги эса 155 гектар экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, сув тежалишига сабаб бўлди.

Натижада, 2013 — 2015 йилларда 1145 тонна пахта етиштирилиб, ҳар гектар майдондан олиннадиган ҳосилдорлик 3-4 центнерга ошиб, 35-38 центнерни ташкил этди. Шартнома режаси эса 105-108 фоизга бажарилди.

Ушбу даврда 1251,8 тонна галла ҳосили йиғиб олинди. Ҳар гектардан 60 центнер галла олинди. Бу эса ҳар гектар ердан олиннадиган ҳосилдорлик 4-10 центнерга ошганини кўрсатади. Шунга мос равишда шартнома режаси 115-120 фоизга уддаланди.

Бу каби натижалар эвазига фермер ҳўжалиги сўнги уч йилда 1,140 миллиард сўм даромад қилишига муваффақ бўлди. Шундан 187 миллион сўми соф фойда.

Фермер ҳўжалигида 5 та чопиқ, 4 та ҳайдов трактори, 2 та енгил автомашина мавжуд. Ҳўжалик даромади ҳисобига охириги 3 йилда шоли ва ун тегирмонини ишга тушиши муносабати билан қўшимча 11 та иш ўрни ташкил қилинди. Ишчи-хизматчиларнинг дам олиши учун дала шийпони,

шунингдек, омборхона, техникалар сақлаш учун бино қурилди.

— 2010 йилнинг кузида Президентимиз воҳамизга ташриф буюриб, бизнинг даламиз бошида вилоят фермерлари вакиллари билан дилдан суҳбат қургани ҳаётимиздаги энг унутилмас воқеалардан бўлди, — дейди фермер. — Мен ҳам кўнглимдан кечган ўй-фикрларни баён этдим. Қачон деҳқоннинг фикрини мамлакат раҳбари инобатга олган? Қайси давлат раҳбари деҳқонни бағрига босган? Бизнинг Президентимиз нафақат ҳар бир деҳқоннинг, ҳар бир фуқаронинг, кекса-ю ёшнинг сўзини инобатга олади. Эътиборга яраша меҳнат қилиш эса биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Шарипбой ака ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланишга ҳаракат қилади.

— Воҳада каналлар, коллекторлар қазилса, қалин қум қатлами тупроқ қазага ёйилади. Бу эса ҳар йили захкашларда қазаув ишлари ўтказишни талаб қилади. Бунинг ягона чораси — шўрхок ва қумлоқ ерларда ҳам яйраб ўсадиган жийда дарахти ўтқазиш эканини кексалардан эшитгандим, — дейди фермер. — Шу боис ҳўжалиқни ташкил қилганимизнинг дастлабки йилидаёқ катта коллекторлар атрофига 1300 тупга яқин жийда кўчатларини эқдик. Бугунги кунда жийдазорлардан йилга ўртача 30 тоннагача ҳосил йиғиб олинмоқда.

Ҳўжалик худудидидаги катта сув йўллари бўйига тол, терак, гужум каби манзарали ва ўрик, шафтоли, анор, беҳи сингари мевали дарахтлар экилган. Уларнинг ҳосилдан бутун эл баҳраманд бўлмоқда. Далалар четида етиштирилган узум, олма мевалари кўрган қўзни қувонтиради. Қолаверса, бўш ерларга ошқоқ, қовун, тарвуз, сабзи, помидор, шолғом, лавлаги, мош, ловия, мак-

Тадбир

Миробод туманидаги «Тонг юлдузи» маҳалласида истиқлолнинг 25 йиллиги муносабати билан байрам тадбири ўтказилди. Унда туман ҳокимлиги, «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди туман бўлими, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши вакиллари, фаоллар, тадбиркорлар қатнашди.

Байрам шукӯҳи

Тадбирда сўзга чиққанлар маҳалланинг ободлиги, кўчаларнинг саранжом-саришталлиги, тобора чирой очиб, бог-у гулзорга бурқаниб бораётгани биринчи галда шу ерда истиқомат қилувчиларнинг меҳнати маҳсули эканини алоҳида таъкидлашди.

— Маҳалламизнинг файзи ўзгача, — дейди МФЙ раиси Одилжон Ҳайитов. — Кўчалар тоза, озода. Бир-бирдан чиройли бинолар қад ростлаган. Саккизта замонавий уй бунёд этилди. Улар навбати билан ўз эгаларига топшириляпти. Шу кунларда мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигига тўхфа сифатида ёрдамлашди. Тадбиркорлар яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз бизнесини ривожлантиряпти.

— Озодалик, бунёдкорлик, ободликни кўрган кўз қувонади, — дейди маҳалла фахрийси Абдувосит Ҳабибуллаев. — Бунга нафақат бизнинг маҳалла, балки юртимизнинг барча жойлари, қишлоқ ва овуллари мисол қилиш мумкин. Бу истиқлолимизнинг меваси, Президентимизнинг саяё-ҳаракати, юртдошларимизнинг ҳамжиҳатлиги, бир ёқадан бош чиқариб, меҳнат қилиши маҳсулидир.

Тадбирда уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, нурунийлар, маҳалла фаолларига эсдалик совгалари топширилди. Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқ ва рақслар байрам дастурхони атрофига йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» мухбири

Касаба уюшмалари — хотин-қизларга

Инсон қадри ҳамиша баланд

Хива шаҳридаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабида касаба уюшмалари чорлови билан воҳанининг содда ва меҳнатқаш аёллари, ёш мутахассислар, иқтидорли талаба ҳамда фаоллар жам бўлди. Барчанинг кўзида қувонч, тилида шукроналик.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева, Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Шакаржон Хўжаниёзова ва бошқалар сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилган ислохотларнинг барчаси «Инсон ислохот учун эмас, ислохот инсон учун» деган тамойилга амал қилинганлиги натижасида фуқароларнинг фаровон турмуши таъминланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури самараси сифатида ёшларимиз илм-фан чўққиларини забт этмоқда, халқаро олимпиадаларда голиблик шохсупасидан жой олиб, буюк аждодларнинг муносиб вориси эканлигини исботламоқда. Айниқса, аёлларимиз ўзгача ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлди.

Тадбирда «Касаба уюшмалари — хо-

тин-қизларга» акцияси доирасида Хива, Кўшкўпир ва Янгиариқ туманларида истиқомат қилаётган хотин-қизлардан 81 нафарига электр-маиший техника жиҳозлари топширилди. Қишлоқ жойларида яшовчи аёллардан 5 нафарига касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга бепул йўлланмалар тақдим этилди.

Шунингдек, «Ватан фидойи фарзандларини унутмайди» лойиҳаси доирасида хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган 2 нафар ҳарбий хизматчи ва ички ишлар идоралари ходимлари оилалари моддий ва манзилли қўллаб-қувватланди. Тадбир доирасида вилоятдаги коллежлар ҳамда олий ўқув юртининг талаба ва ўқувчиларига касаба уюшмалари стипендияси, бир нафар имконияти чекланган талабага махсус ўқув қуроллари топширилди.

— Бугунги тадбирда истиқлол ўз-ўзидан кўлга киритилмагани, амалга ошириляётган чора-тадбирлар кўлами ҳақида кенг тасаввурга эга бўлдим, — дейди Кўшкўпир туман иқтисодиёт ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Сайёхон Матқаримова. — Эртага бу мулоҳазаларни дўстларим билан ўртоқлашаман. Мамлакатимизда ёшлар-

га бўлган эътибор намунаси сифатида касаба уюшмалари стипендиясига сазовор бўлдим. Келажакда етук мутахассис бўлиб етишиб, мамлакатимиз туризм салоҳиятини янада ривожлантиришга ўз хиссамни қўшаман.

«Умид гулшани» санаторийсига бепул йўлланмани кўлга киритган Янгиариқ тумани Таган қишлоқ фуқаролар йиғини масъул котиби Фазилат Эшматованинг ҳам қувончи чексиз.

— Биз қишлоқ аёллари шаҳарниқидан қолишмайдиган шароитда яшаш имконига эга бўлдик. Уч фарзанднинг онасиман. Мамлакатимизда аҳоли ижтимоий муҳофазасини қучайтиришга йўналтирилган сиёсат туфайли фарзандларимни кам-кўстис тарбиялашга муваффақ бўляпман. Болаларимга бўлсин, деган ўй билан соғлигимга эътибор қаратишга имконим ҳам, вақтим ҳам бўлмаган. Мана, қўлимда мамлакатимиздаги нуфузли санаторийлардан бирига бепул йўлланма. Бундай рағбатдан қувонмай бўладими, — дейди у.

Тадбир иштирокчиларига таниқли санъаткорлар ижросидаги концерт дастури кўтаринки кайфият бағишлади.

Ўз мухбиримиз

Мустақиллик тенгдошлари

Дунёда ҳеч бир нарса киндик қони тўқилган она Ватан тупроғидек азиз ва муқаддас эмас. Шунинг учун юрт тинчлиги ва озодлиги йўлида не-не зотлар жон фидо қилмаган. Юсак туйғулари юрагига жо қилган истиқлол тенгдошлари ҳам эл қорига яраш, Ватан олдидаги фарзандлик бурчини шараф билан адо этиш учун «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам» деган ғояга садоқатларини намойиш этган ҳолда иштиёқ билан яшамоқдалар.

Ёшлар овози



Убайдулло МУҲАММАДИЕВ, Тошкент Олий ҳарбий техник билим юрти курсанти:

— Йигирма беш йил нисбатан қисқа вақт оралиғида ўзбек халқи ўзлигини дунёга танита билди, орзу-умидлари мустақам асосга эга эканлигини исботлашга улгурди. Ҳар қадамда, ҳар соҳада ўзбек номи катта ҳурмат-эҳтиром билан тилга олинмоқда. Бугун ҳар бир йигит-қизнинг нигоҳида Амир Темури шижоати, қилаётган ишларида Беруний ва Бобурларнинг тафаккури мужжасам. Бу гаплар шунчаки баландпарвоз гаплар эмас, бунинг исботи билимлар беллашуви ва спорт мусобақаларида ўз исботини топаётир.

Мустақиллик фарзанди сифатида шунинг фахр билан айта оламаники, она заманимизда улғаяётган ёш авлод учун барча шарт-шароит ва имконият муҳайи. Бугун ҳар бир шаҳар ва қишлоқлар ўртасидаги тафовут сезилмай бораляпти. Энг чекка қишлоқ ва овулларда ҳам замонавий таълим ва ёшларга эътибор шаҳарниқидан қолишмайди.

Мен қишлоқда ўсиб-улғайдим. Офицер бўлиб, Ватанимга хизмат қилиш

орзуи бугун пойтахтга келиб ушалмоқда. Самарқанд олимпия захиралари спорт коллежисида ўқиган кезларим турли мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни кўлга киритдим. Коллежни тамомлаб, мuddатли ҳарбий хизматни Тошкент шаҳрида ўтадим. Бу ерда ҳарбий қисмлар ўртасида ўтказилган мусобақалар мени янада чиққиртирди. Эришган натижаларим инобатга олиниб, ҳарбий қисм томонидан бериладиган имтиёзли тавсияномага эга бўлдим ва Тошкент Олий ҳарбий техник билим юртига ўқишга қабул қилиндим. Шунинг алоҳида таъкидлашим лозимки, ҳарбий қисмда шартнома асосида бериладиган маошнинг ҳам ҳозирда стипендия тариқасида оляпман.

Бу каби имтиёз ва имкониятларнинг барчаси истиқлол шарофатидан. Ватанимнинг содиқ ўғлини ва уни ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифа зиммамда эканидан фахрланаман. Чунки тинчлик ва ҳамжиҳатлик бўлган жойдагина эл-юрт фаровон ва бахтиёр ҳаёт кечиради.



Гулрухсор ХУДОЙБЕРДИЕВА, ЎЗМУ магистранти, ёш олима:

— Атрофимизда рўй бераётган воқеалар, дунёнинг турли нуқталарида содир бўляётган тала-тўплар Ватан, мустақиллик, тинчлик каби неъматларнинг қадри қанчалар баландлигини бизга ҳар қуни ва ҳар лаҳза аналтмоқда.

Мен истиқлол тенгдошлариман. Йигирма беш йил оралиғида жонажон юртимиз мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришди. Яратганга шукрки, нимани ният қилсан бўлсан, барчасига эришиб келаяпман. Бунда тинчлик, фаровонликнинг ўрни беқийс.

Айни пайтда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг иккинчи босқич магистрантиман. Илмий мақолаларим, тадқиқотларим республика нашрларида эълон қилиб келинмоқда. Кўп тадбир, илмий конференцияларда иштирок этияпман. Айни пайтда «Тарихий асарлар тили, услуби ва таҳрири» мавзусида олиб бораётган илмий изланишларим келажакда докторлик диссертацияга пойдевор бўлади, деб умид қиламан.

2013 йилда мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, ўз блог-сайтимни очдим. Уни ҳаёт, илм-фан

борасидаги мулоҳазаларим акс этган мақолалар билан мунтазам янгилаб бордим. Камтарона меҳнатим туфайли «Этироф — 2015» республика кўриктанловининг «Энг яхши йил блогери» йўналишида голибликни кўлга киритдим. Яна кўп тадбир ва фестивалларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдаман. Хусусан, жорий йилда ўтказилган «Донюлик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони» республика танловидида иккинчи ўринни эгалладим. Шунингдек, «Миллий тикланиш» демократик партияси «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг «Ёшлар қаноти» етакчиси сифатида ҳам фаолият юртылапман.

Орзуларим омон қадар юсак. Келажакда услуб ва таҳрир масалаларини чуқур ўрганиб, илмий изланишлар олиб бориш ҳамда ушбу соҳада етук мутахассис бўлиб етишини ният қилганман.

Мустақиллик ҳам ҳуқуқ, ҳам имконият деганидир. Астойдил итилган одам, албатта, ўз мақсадига эришади.

«Ishonch» мухбири Сулаймон ҲАЙДАРОВ ёзиб олди.

«ШҮРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚҶМИТАСИ. Бутун Ўзбекистон халқини мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами билан муборакбод этади. Улуғ байрам кунларида бунёдкор халқимизга сиҳат-саломатлик, фаровон турмуш ва юрт ободлиги йўлидаги ишларида улкан муваффақиятлар тилайди. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!



кажўхори, ерёнғоқчақа экилиб, мўл ҳосил олинаётир.

Фермер хўжалигида чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилган. 48 бош қорамол, 1400 дан зиёд парранда боқилиб, иқтисодиёт фойдага эришилмоқда.

Ш.Ражабовнинг полизчиликдаги ишлари алоҳида таҳсинга сазовор. Айниқса, воҳанинг қадимий гурвак, олахоммо, зарғулоби, Хоразм гулоби қовун навларини тиклаш борасидаги саяё-ҳаракатлари ўз самарасини бермоқда.

Қаловини топсанг, қор ёнади, деганлари шудир-да.

— Биз қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришининг янги босқичига қадам қўйдик, — дейди Шарипбой Ражабов. — Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ана шу босқични бошлаб берди. Бунинг самараси ўлароқ фермер хўжаликлари ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишининг асосий шаклига айланди.

Фермернинг шахсий ташаббуси билан тумандаги агросаноат касб-хунар коллежи ўқувчилари хўжалиқда амалиёт ўтаб, деҳқончилик сирларини ўрганмоқда. 25 нафар коллеж битирисини ишга қабул қилинган.

Умуман, кейинги уч йилда жами 20 та янги иш ўрни яратилиб, бугунги кунга келиб 56 киши доимий иш билан банд.

Шарипбой Ражабовни хоразмликлар саховатпеша инсон сифатида ҳурмат қилади. Фермер хўжалиги даромади ҳисобидан туман марказий шифохонаси, «Маданият», «Богот», «Атов» қишлоқ врачлик нуқталарини таъмирлашга, 13- ва 27-мак-

табларни таъмирлаш ва маданий-маърифий тадбирлар уюштиришга, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига, республика иқтисод-лаштирилган кардиология маркази вилоят филиалига маблағлар ажратилгани ҳам балки у ҳақда шундай фикрни шакллантиргандир. Дарҳақиқат, фермернинг хайрли ишлари кўлами ниҳоятда кенг. Яна бир мисол. Туман марказий шифохонасининг болалар бўлими ҳамойилка олинган бўлиб, хўжалиқда етиштириляётган гўшт, сўт, мева ва полиз маҳсулотлари билан таъминланмоқда.

Унинг кўмагида соғин сизирга эга бўлган Қувонч Матмуротов ва Улуғбек Нурметовлар оиласи фермерни дуо қилишади. Туманда истиқомат қилувчи боқувчисини йўқотган 32 нафар бола ҳар йили Шарипбой ақанинг ҳиммати билан Урганч ва Хива шаҳарларига саёхатга борадилар, совғасаломлардан баҳраманд бўлишади. Бундай мисолларни узоқ давом эттириш мумкин.

Ш.Ражабов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши депутати сифатида тумандаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона ва ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш, янги иш ўринлари барпо қилиш, фермерлар кенгашлари, сув истеъмолчилари уюшмалари, чорвачилиқда сервис хизматлари ва наслчилик ишларини яхшилаш, озуқа сотиш нуқталарини кенгайтириш, ҳудудларда паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашга муносиб хисса қўймоқда.

— Шарипбой Ражабов касаба уюшмасининг фаол аъзоси. Иш берувчи сифатида жамоа шартномаси шартларининг тўлақонли ижросини таъминлаб келаятган бўлса, АСМ ходимлари кас-

ба уюшмаси туман кенгаши аъзоси сифатида меҳнат жамоаларида ўтказиляётган маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиб, мустақиллик йилларида барча соҳаларда амалга ошириляётган ислохотлар ва эришилган ютуқларни фаол тарғиб қилиб келмоқда, фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларининг қонун талаблари асосида йўлга қўйилишини таъминлашга кўмаклашмоқда, — дейди АСМ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Бахтиёр Матмуродов.

Биз меҳнат қадрланадиган мамлакатда яшаймиз. Ш.Ражабов 2007 йилда «Шукрат» медали, 2010 йилда «Меҳнат шукрати» ордени билан мукофотланган. Қуни кечда Шарипбой Ражабов вилоят деҳқонлари орасида тўртинчи бўлиб «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган улкан шарафга эга бўлди.

Мухтарам Президентимизнинг «Хоразм деҳқонининг ҳар бир куни қаҳрамонлик» деган пурҳикмат сўзлари ҳар бир хоразмликнинг қалбига сингиб кетган, десак муболага қилганам бўламиз, Зиммадаги масъулиятни чуқур ҳис қилиш, истиқлол берган имкониятлардан самарали фойдаланиш, Президентимизнинг ишончини оқлаш иштиёқи деҳқонларни чинакам қаҳрамонлик сари бошламоқда. Оддий деҳқоннинг Ўзбекистон Қаҳрамонига айланishi барча фермерларни, соҳа вакилларини хурсанд қилди. Бу юсак унвон, бу улкан ишончини оқлаш йўлида деҳқонларимиз янада гайрат-шижоат билан меҳнат қиладилар, хирмонларимизнинг янада баланд бўлиши, дастурхонларимиз тўкин, турмушимиз фаровонлиги учун муносиб хисса қўшадилар.

Унвон муборак бўлсин, Шарипбой ака! Мухаббат ТУРАБОВА, «Ishonch» мухбири

# ТАБРИКЛАЙМИЗ, ҚУТЛАЙМИЗ!

## ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИ ВА ЖАМОАТ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

*Ўзбекистон аҳлини Ўстанимизнинг 25 йиллик айёти билан тин дилдан муборакбод этади. Бунёдкор халқимизга суҳайт-саломатлик, фаровон турмуш ва юрт ободлиги йўлидаги ишларига чилан зафарлар тилайди. Тўзал диёримизга, обод ва фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин. Серқўём Ватанимиз янада цулаб-яшнасин!*



## ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ, ЙЎЛ ВА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ, ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

*Улуғ байрам кунларида бунёдкор Ўзбекистон халқини Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги билан самимий қутлайди. Юрт тараққиёти ва ободлиги йўлида олиб бораётган ишларингиз доим бароридан келсин. Ҳаётингиз ҳамшиша бахт ва саодатга тўлиқ бўлсин. Хонадонингизда мудом тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-омонлик, тўкинлик ва барака хукмронлик қилсин! Мустақиллик бераётган куч ҳаммамизни ҳар доим ва ҳамма вақт савобли ишларни амалга оширишга чорлайверсин!*

## АВИАЦИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

*Ўзбекистонимизнинг цулаб-яшнашига, иқтисодийётимиз ривожига қўйилган муносиб ҳиссасини қўшаётган азиз юртдошларимизни ва соҳа ходимларини энг қўнғу байрамимиз — Ўстанимизнинг 25 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Барқимизга кўнги хотиржамлиги, оилавий бахт, тан-суҳайтлик ва нағнавий барқимонлик тилаймиз. Фарзандларингиз қанолани кўриш ҳар бирингизга насиб этсин! Ватанимиз рағнақи йўлида қилаётган ишларингизда кўз-гайрат сизларни асно тарқ этмасин!*



## «О‘ЗБЕКИНВЕСТ НАЙОТ» СУФУРТА КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

О‘ЗБЕКИНВЕСТ НАЙОТ

*Барча юртдошларимизни Ватанимиз Мустақиллигининг 25 йиллик байрами билан самимий муборакбод этади. Ватанимизнинг янада гулаб яшнаши ва дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кириш йўлида қилаётган савий-ҳаракатларингизга омад ҳамшиша йўлдош бўлишини тилайди.*

**Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!**

## ФАРФОНА ЁҒ-МОЙ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

# 25

*Барча юртдошларимиз ва соҳа ходимларини Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги билан қизини табриклайди. Ҳар бир оилага бахт-саодат, хотиржамлик, фаровонлик, дастурхонига кун-барака тилайди. Қалбларинингизни эзгулик ва илғавлик ҳел қалон тарқ этмасин. Мустақиллигимиз бардавом бўлсин!*

**MUASSIS:**



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федератсияси

**Bosh muharrir:**

Jahongir Sharofboyev

**Tahrir hay'ati:**

Abdulaziz Abdullayev, To'liq Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanariyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

**BO'LIMLAR:**

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

**Manzillimiz:**  
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy  
E-mail: xatlar@ishonch-davriye.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:**

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 314-13-03  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:**

A.Qodirova  
**Navbatchi:**  
S.Abdurahmonov  
**Musahhih:**  
S.Shodiyeva  
**Sahifalovchi:**  
H.Abdujalilov

Boshiga ko'rish vaqti — 20:50  
Tahrir — 21:50

1 2 3 4 5 6

**«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.**

**Korxonaning manzili:**  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
**Gazeta ishloqning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.**  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma tobaq.  
Buyurtma T — 915.  
14282 nusxada bosildi.  
Nashr ko'rsatkichi: 133

Tahririyat xisob raqami:  
2021 0000 0004 3052 7001  
ATIS «Ishonch» banki, Yul'obod filiali,  
Bank kod: 00950, STIP: 201133889, OKONX: 87100



2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.